

ЮРАК ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА РОЗИЁНАЖ (АРПАБОДИЁН) ЎСИМЛИГИНИ ТАЪСИРИ

Адилова Наргиза Орифовна

Исмоилова Мухбина Шавкатовна

*Тошкент давлат тиббиёт университети, Тиббиёт ходимларининг
касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент, Ўзбекистон.*

Атеросклероз касаллиги- бу юрак- қон томир тизимининг сурункали касаллиги бўлиб, у қон томир деворларида липидлар, холестерин, бириктирувчи тўқима тўпланиши натижасида томирларнинг торайиши ва эластиклигини йўқолишига олиб келади ва бу ҳозирги кунда кенг таркилган касаллик ҳисобланади. Ҳолбуки, қон томир атеросклерозининг дастлабки белгиларини ташхислаш, баҳолаш, анъанавий ва ноанъавий тиббиёт усуллари билан даволаш ва олдини олиш бўйича олиб бориладиган изланишлар мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот мақсади. Атеросклероз касаллигини даволашда розиёнаж (арпабодиён) ўсимлигини таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Материал ва услублар. Тадқиқот учун 2- шахар клиник шифохонаси кардиология бўлимида стационар даволанган 120 нафар атеросклероз беморлари олинди. Ташхис 2- шахар клиник шифохонаси ташхисот лабораторияси натижалари асосида тасдиқланди ва шакллантирилди. Тадқиқот гуруҳларини шакллантиришда қон таркибидаги липид спектри таҳлили ва атеросклероз касаллигини даволашда розиёнаж (арпабодиён) дамламаси асос қилиб олинди. Унга кўра, 1-гуруҳга 40- 45 ёшли умумий холестерин миқдори 4,5- 6,0 ммоль\л бўлган, 2-гуруҳга 50- 55 ёшли умумий холестерин миқдори 6,0- 7,0 ммоль\л бўлган ва 3-гуруҳга умумий холестерин миқдори 7,0 ммоль\л катта бўлган атеросклероз беморлари киритилди. Липид спектри таркибидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланди (ммоль/литр):

- умумий холестерин миқдори;
- паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛ);
- юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛ);
- триглицеридлар; Олинган натижалар статистик таҳлил қилинди.

Натижалар ва уларни муҳокамаси. Унга мувофиқ, 6 ойлик даволаш терапиясидан олдин 40- 45 ёшли беморлар қони таркибида 1- гуруҳда умумий холестерин миқдори 4,5- 6,0 ммоль/л, ПЗЛ миқдори 3,0- 4,2 ммоль/л, ЮЗЛ миқдори 0,9- 1,3 ммоль/л, триглицеридлар миқдори 1,9- 2,5 ммоль/л, 2- гуруҳда умумий холестерин миқдори 6,0- 6,5 ммоль/л, ПЗЛ миқдори 4,0- 5,1 ммоль/л, ЮЗЛ миқдори 0,85- 0,9 ммоль/л, триглицеридлар миқдори 2,5- 3,2 ммоль/л ва 3- гуруҳда умумий холестерин миқдори 6,5- 7,4 ммоль/л, ПЗЛ миқдори 5,1- 6,0 ммоль/л, ЮЗЛ миқдори 0,75- 0,8 ммоль/л, триглицеридлар миқдори 3,2- 4,0 ммоль/литрни ташкил этди. 6 ой давомида арпабодиён илдизи дамламаси ҳар бир гуруҳ беморларига кунига 2 маҳал овқатдан кейин 200 млдан ичирилди. Таҳлил натижалари 2- ва 3- гуруҳга нисбатан 1- гуруҳда ижобий. Унга кўра, 40- 45 ёшли беморлар қони таркибида 1- гуруҳда умумий холестерин миқдори 3,5- 5,7 ммоль/л, ПЗЛ миқдори 2,0- 3,0 ммоль/л, ЮЗЛ миқдори 0,9- 5,0 ммоль/л, триглицеридлар миқдори 0,65- 3,23 ммоль/л, 2- гуруҳда умумий холестерин миқдори 4,4- 5,0 ммоль/л, ПЗЛ миқдори 2,5- 3,2 ммоль/л, ЮЗЛ миқдори 0,9- 5,0 ммоль/л, триглицеридлар миқдори 0,65- 3,23 ммоль/л ва 3- гуруҳда умумий холестерин миқдори 5,0- 6,0 ммоль/л, ПЗЛ миқдори 3,0- 3,5 ммоль/л, ЮЗЛ миқдори 0,9- 5,0 ммоль/л, триглицеридлар миқдори 0,65- 3,23 ммоль/литрга ўзгарди.

Хулоса.

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида баён этилган даволаш терапиясига асосланиб, атеросклероз касаллигини розиёнаж (арпабодиён) ўсимлиги билан даволаш ижобий натижа кўрсатди. Розиёнаж (арпабодиён) ўсимлиги юрак- қон томир тизими учун фойдали бўлган кўплаб биофаол моддаларга эга. У антиоксидант, липолиз жараёнини тезлаштирувчи, спазмолитик ва енгил диуретик таъсири орқали атеросклероз касаллигини

даволашда ва олдини олишда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, арпабодиён асосидаги фитопрепаратлар атеросклероз касаллигини комплекс даволашда восита сифатида тавсия этилиши мумкин.]